ДАРОМАДЛАР АУДИТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хайдарова Сурайё Насирдиновна.

"Perfect audit" аудиторлик ташкилоти бош директори

s.azimutdinova@mail.ru

Даромадлар аудитининг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг тўғри ташкил этилганлигига боғлиқ. Даромадлар аудитини ташкил этиш деганда, бизнингча, буюртмачи ташкилот билан келишувга эришиш, аудиторларни тайинлаш, аудит режаси, дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ахборот таъминотини йўлга қўйиш каби муалажалар тушунилади. Даромадлар аудитини ташкил этиш аудиторлик ташкилоти ва буюртмачига бир хил масъулият юклайди. Бунда ҳар иккала томон муайян вазифаларни амалга ошириши талаб этилади. Даромадлар аудитининг кейинги муносабатларни белгилаб берадиган, масъулиятли ва ҳал қилувчи босқичи – буюртмачи билан келишувга эришиш ҳисобланади. Ушбу келишув шартнома билан расмийлаштирилади. Бунда, дастлаб, буюртмачилардан ёзма буюртма қабул қилинади. Аудиторлик ташкилоти аудит ўтказиш ёки ўтказмасликни ҳал қилиши, агар аудит ўтказишга розилик берадиган бўлса, уни қанча ҳақ эвазига амалга оширишини аниқлаб олиши лозим. Бунинг учун буюртмачи корхона дастлабки кузатувдан ўтказилади. Дастлабки кузатув аудиторлик текшируви бўйича иш ҳажмини аниқлашга, аудиторлик рискининг даражасини белгилашга, шунингдек иш қийматини келишишга қаратилган бўлади. Аудиторлик шартномасининг муҳим компоненти ҳисобланган аудиторлик хизмати қиймати (баҳоси)нинг шаклланишида аудиторлик хизматининг ҳажми (иш ҳажми) муҳим омил саналади. Маълумки, бажариладиган иш ҳажми ишлаб чиқариш корхоналарида яратиладиган маҳсулот бирликларида, савдо корхоналарида реализация қилинадиган товарлар бирликларида, транспорт корхоналарида ташиладиган юк бирликларида ўлчанади. Аудиторлик корхоналарида эса ҳақи тўланадиган, бажариладиган иш ҳажмини аниқлаш жараёни бир мунча мураккаб кечади. Аудитда иш ҳажмини аниқлашнинг назарий, методологик жиҳатлари қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва чоп қилинган ишларда ҳалигача етарлича ўз аксини топмаган.

Н.Санаев ва Р.Нарзиевлар иш ҳажмини аниқлаш аудит ўтказишнинг дастлабки ва муҳим босқичи эканлигини таъкидлаб, шундай дейди: «Масалан, агарда молиявий ҳисоботни аудит текширувидан ўтказиш мақсад қилиб олинган бўлса, молия ҳисоботидаги барча маблағлар, уларнинг манбаалари, дебитор, кредитор қарзлар, молиявий натижалар, даромад ва айланма маблағларни (энг камида 5 %и, иқтисодий нисбий кўрсаткичларнинг камида 3-5 йиллик маълумотлари) текшириш ишлари белгилаб олинади. Бунда корхонанинг авансланган капитали, қимматбаҳо қоғозларнинг дивидент суммалари бўйича барча зарур маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш назарда тутилади» 108 . Муаллифлар иш ҳажмини ифодаловчи мезонлар ва аниқлаш тартиби тўғрисида аниқ фикр бермаганлар. Бу ҳолатни бошқа олимларнинг ишларида ҳам кузатиш мумкин. Иш ҳажмини аниқлаш мезонлари К.Б.Уразовнинг ишларида тўлароқ ёритилган: «Аудиторлик текширувида аудиторлар томонидан бажариладиган ишнинг ҳажми аудиторлик текширувининг турига, объектлар сонига, операциялар ва улар бўйича тузилган бошланғич ҳужжатлар сонига, ҳисобни юритиш ҳолати ва усулларига, солиқ тўловлари таркибига ва бошқаларга қараб

тахминланади. Иш ҳажмини ҳар бир текширув объектига сарфланиши мумкин бўлган кунлар сонига қараб ҳам белгилаш мумкин» 109 . Бироқ, бу муаллиф ҳам иш ҳажмини аниқлашнинг умумий мезонларини берган бўлсада, унинг айнан қандай топилишини етарлича изоҳлаб бермаган. Бизнинг фикримизча, иш ҳажмини икки хил бирликда: текширилиши керак бўлган ҳужжатлар миқдори ва аудиторлик текширувини ўтказишга кетадиган вақт бирликлари (соат, кун) да ифодалаш мумкин. Агар, корхона даромадларининг алоҳида тури аудиторлик текширувидан ўтказилаётган бўлса, яъни текшириладиган ҳужжатлар бир хил ёки ўхшаш бўлса, иш ҳажмини ҳужжатлар сони орқали ифодалаш мумкин. Даромадларни комплекс аудиторлик текширувидан ўтказишда иш ҳажмини ҳужжатларни текширишга кетадиган вақт (соат, кун) орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бунда, дастлаб аудит ўтказишга кетадиган вақт даромаднинг алоҳида турлари бўйича аниқлаб олинади. Барча даромад турларини аудит қилиш 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»да келтирилган даромад суммаларини Бош китобда мос даромад турларига очилган варақлардаги маълумотлар билан солиштиришдан бошланади. Сўнгра, Бош китобдаги маълумотларнинг ҳисоб регистрларидан тўғри ўтказилганлиги текширилади. Айтиб ўтилган амаллар аудитордан унчалик кўп вақт талаб қилмайди. Даромадларни аудит қилишда аудиторнинг асосий вақти бошланғич ҳужжатларни ҳисоб регистрлари ва бошқа маълумотлар билан солиштиришга сарфланади. Шу боисдан, аудит ўтказишга кетадиган вақтни даромаднинг алоҳида турлари бўйича аниқлашда дастлабки ҳужжатлар сони асос қилиб олиниши лозим.

Асосий фаолиятдан олинган даромадларни аудит қилишда асосий бошланғич ҳужжат бўлиб, счёт-фактуралар ҳисобланади. Счёт-фактуралардаги маълумотлар харидор ва буюртмачилар билан тузилган шартномалар, товартранспорт накладнойлари ва ҳисоб регистрларидаги маълумотлар билан солиштирилади. Бунда, сотишдан олинган даромадларнинг аудитига кетадиган вақтни қуйидагича аниқлашни тавсия қиламиз: В1 = СҲс * С (1) Бу ерда: В1 – асосий фаолиятдан олинган даромадни текширишга кетадиган вақт; СҲс – сотиш ҳужжатлари (счёт-фактуралар, кирим касса ордерлари, инкассатор квитанциялари, банк кўчирмалари, чеклар) сони; С – битта сотиш ҳужжатини текшириш учун талаб қилинадиган ўртача вақт. Шуни таъкидлаш керакки, аудиторлик текширувига кетадиган вақт ҳужжатлар сони билан бирга текширув ўтказаётган аудиторнинг тезлигига, касбий маҳоратига, тажрибасига ҳам боғлиқ бўлади. Агар, аудиторларнинг таъкидланган сифатларини коэффициентларда (К) ифодалайдиган бўлсак, асосий фаолиятдан олинган даромадларни аудиторлик текширувидан ўтказишга кетадиган вақтни қуйидагича ифодалаш мумкин: В1 = СҲс * С *К. (2)

Бунда, К бирдан қанчалик кичкина бўлса, текширишга кетадиган вақт шунчалик кам бўлади, бирдан қанчалик катта бўлса, текширишга шунчалик кўп вақт талаб қилинади.

Фикримизча, аудиторлик ташкилотларида аудиторларнинг тезлик даражаларини уларнинг касбий маҳоратидан ва олдинги фаолиятлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда коэффициентларда белгилаб олиш, иш ҳажмининг объектив аниқланилишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Варонина Л.И. Аудиторская деятельность: основы организации. Учебнопрактическое пособие.-М.: Эксмо, 2007. - 336 с.

2. Аудиторлар учун қўлланма. М.М.Тулахўжаева ва Р.Д.Дўстмуродовлар таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Бухгалтерлар ва Аудиторлар Миллий Ассоциацияси босмохонаси, 2005. - 196 б.
3. Дўстмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. - 612 б.
4. Дўстмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография-Т.: Молия, 2007. - 276 б.